БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 78 (4069). | Шанба, 19 апрель 1969 йил. | Баҳоси 2 тийин.




*УЛУҒ САНАНИ МУНОСИБ СОВҒАЛАР БИЛАН КУТИБ ОЛАМИЗ*

**Марксизм-ленинизм байроғи остида, Коммунистик партия раҳбарлигида—мамлакатимизда коммунизм тантанаси учун курашда янгидан-янги ғалабалар сари олға!**

***Яшасин инсониятнинг порлоқ келажаги—коммунизм!***

# КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ 1969 ЙИЛ 1 МАЙ ЧАҚИРИҚЛАРИ

1. Яшасин 1 Май — меҳнаткашларнинг империализмга қарши, тинчлик, демократия ва социализм учун курашида халқаро бирдамлик куни!

2. Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

3. Яшасин абадий барҳаёт интернационал таълимот, социализм ва коммунизм ғалабаси йўлидаги курашда барча мамлакатлар меҳнаткашларининг йўлчи юлдузи —марксизм — ленинизм!

4. Маркс ва Энгельс революцион таълимотининг доҳиёна давомчиси, Коммунистик партиянинг асосчиси, дунёда биринчи ишчи ва деҳқонлар социалистик давлатининг раҳбари — Владимир Ильич Лениннинг номи асрлар бўйи яшайберсин!

5. Коммунизмнинг шавкатли бинокори, меҳнаткашларнинг озодлиги, тинчлиги ва бахт-саодати учун мард курашчи — улуғ совет халқига шон-шарафлар!

6. Яшасин СССРда коммунизм қуриш учун курашдаги илғор ва етакчи бунёдкор куч—Советлар мамлакатининг қаҳрамон ишчилар синфи!

7. Яшасин коммунизмнинг актив бунёдкорлари—қаҳрамон колхозчи деҳқонлар!

8. Совет социалистик давлатининг мустаҳкам негизи — ишчилар синфи билан колхозчи деҳқонлар иттифоқи мустаҳкамлансин ва гуллаб-яшнайверсин!

9. Яшасин коммунистик жамият қурилишининг актив иштирокчилари — совет халқ зиёлилари!

10. СССР халқларининг қардошларча дўстлиги ва бузилмас бирлиги абадий яшайверсин ва гуллаб-яшнайверсин!

11. Яшасин совет халқини Ленин йўлидан коммунизм ғалабаси сари комил ишонч билан бошлаб бораётган Совет Иттифоқи Коммунистик партияси!

12. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Коммунистик партиянинг ленинча байроғи остида тағин ҳам маҳкамроқ жипслашингиз!

Яшасин партия билан халқнинг буюк ва бузилмас бирлиги!

13. Яшасин чинакам халқ ҳокимияти органлари — меҳнаткашлар депутатлари советлари!

Совет социалистик демократияси ривожлансин ва мустаҳкамланаверсин, мамлакат ишларини бошқаришда меҳнаткашларнинг активлиги ўсаверсин!

14. Яшасин бошқариш ва хўжалик юритиш мактаби, коммунизм мактаби бўлган совет касаба союзлари!

15. Яшасин коммунистик жамиятнинг актив бунёдкорлари — совет хотин-қизлари!

16. Яшасин Коммунистик партиянинг содиқ ёрдамчиси ва резерви, коммунизм ёш бунёдкорларининг илғор отряди — Ленин комсомоли!

17. Совет жангчилари! Жанговар ва сиёсий тайёргарликда янгидан-янги муваффақиятларга эришингиз, империалистларнинг ҳар қандай агрессиясини даф қилиш учун ҳушёр ва ҳамиша тайёр бўлиб турингиз!

Яшасин қаҳрамон Совет Иттифоқи Қуролли Кучлари!

18. Ватанимизнинг муқаддас чегараларини марданавор қўриқлаб турган шавкатли совет чегарачиларига шон-шарафлар!

19. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Сиёсий ҳушёрликни оширингиз! Социализм ва тинчлик душманларининг кирдикорларига жипслик, интизом ва уюшқоқликни мустаҳкамлаш билан жавоб берайлик!

20. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Беш йилликни муддатидан олдин бажариш учун, Ленин туғилган куннинг юз йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақа байроғини баланд кўтарингиз!

21. Коммунистик меҳнат зарбдорлари ва коллективларига шон-шарафлар!

Ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторларига шон-шарафлар!

22. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқаришга тезроқ жорий этиш учун курашингиз! Ҳозирги замон фан-техника билимларини қунт билан эгаллангиз!

23. Ишчилар, инженерлар ва техниклар! Ишлаб чиқариш самарадорлигини ҳар томонлама оширингиз! Ишлаб чиқариш формаларидан, хомашё ва материаллардан яхшироқ фойдаланиш учун, лойиҳадаги қувватларни ўзлаштириш муддатларини қисқартириш учун курашингиз!

24. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Коммунизм ғалабаси учун энг муҳим, энг асосий шарт бўлган меҳнат унумдорлигини узлуксиз оширингиз! Иш кунининг ҳар бир минутидан тўлиқ фойдаланиш учун курашингиз!

25. Халқ хўжалиги ходимлари! Ишлаб чиқаришнинг техникавий даражасини қунт билан оширингиз! Комплекс механизациялаш ва автоматлаштиришни амалга оширингиз! Маҳсулот сифатини ҳар томонлама яхшилангиз, унинг таннархини камайтиришга эришингиз!

26. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Меҳнатга ва жамоат мулкига коммунистик муносабатда бўлиш учун, иқтисод ва тежамкорлик учун курашингиз!

27. Колхозчилар, совхоз ходимлари, қишлоқ хўжалиги мутахассислари! Беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун курашингиз! Меҳнат унумдорлигини оширингиз, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулоти таннархини камайтирингиз!

28. Қишлоқ хўжалик меҳнатчилари! Кўкламги дала ишларининг юксак сифатли ўтказилиши учун курашингиз, дон, гўшт, сут ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни ҳар томонлама кўпайтирингиз!

29. Қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги ходимлари! Ерларни мелиорациялаш, қишлоқ хўжалигини химиялаш ва комплекс механизациялаш программасини тағин ҳам активроқ амалга оширингиз!

30. Ишчилар ва колхозчилар, саноат ва қишлоқ хўжалиги мутахассислари! Ишлаб чиқариш маданиятини оширингиз, меҳнатни илмий ташкил этишни ва илғор тажрибани кенгроқ жорий этингиз!

31. Совет олимлари, конструкторлари, инженерлари ва техниклари! Фан-техника тараққиёти суръатларини жадаллаштириш учун актив курашингиз!

32. Савдо ва маиший-хизмат ходимлари! Аҳолига хизмат кўрсатиш маданиятини ҳар томонлама оширингиз, совет кишиларининг талабларини тўлароқ ва яхшироқ қондирингиз!

33. Адабиёт ва санъат арбоблари, маданият ходимлари! Совет санъатининг партиявийлиги, халқчиллиги, ғоявийлиги байроғини баланд кўтарингиз, ўз бадиий маҳоратингизни такомиллаштирингиз, бутун куч ва қобилиятингизни коммунизм бинокорларини сиёсий, аҳлоқий, эстетик жиҳатдан тарбиялашга сарфлангиз!

34. Маориф ходимлари! Халқ маорифини ҳар томонлама такомиллаштирингиз! Меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашда активроқ қатнашингиз!

35. Соғлиқни сақлаш ва физкультура ходимлари! Аҳолига медицина хизматини такомиллаштирингиз! Мамлакатда оммавий физкультура ҳаракатини ривожлантирингиз!

36. Коммунистлар! КПСС XXIII съезди қарорларини амалга ошириш учун, беш йиллик планни муддатидан олдин бажариш учун курашда омманинг моҳир тарбиячилари ва ташкилотчилари бўлингиз!

37. Йигит ва қизлар! Марксизм-ленинизм назариясини, фан ва техника чўққиларини қунт билан эгаллангиз! Революцион идеалларга содиқ бўлингиз, коммунизм қурилишининг актив иштирокчилари бўлингиз!

38. Пионер ва мактаб ўқувчилари! Совет ватанини жон-дилингиздан севингиз, яхши ўқингиз, меҳнатни ардоқлангиз! Ленин иши учун, коммунизм учун актив курашчилар бўлишга тайёрланингиз!

39. Ишчилар синфи ва барча меҳнаткашларнинг жанговар марксчи-ленинчи авангарди, империализмга қарши, инсониятнинг порлоқ орзуси —коммунизмни ер юзида қарор топдириш учун забардаст курашчилар бўлган коммунистик ва ишчи партияларга қардошлик саломи!

40. Бутун дунё коммунистларининг бирлиги ва жипслиги марксизм-ленинизм, пролетар интернационализми негизида мустаҳкамланаверсин!

41. Империалистларнинг агрессия, зулм ва уруш сиёсатига қарши курашда барча прогрессив кучларнинг бирлиги ва жипслиги яшасин!

42. Социалистик мамлакатларнинг халқларига қардошлик саломи! Октябрь улуғ ишининг тантанаси, халқаро ишчилар синфининг тарихий ғалабаси бўлган жаҳон социалистик системаси ривожлансин ва мустаҳкамланаверсин!

43. Социалистик мамлакатларнинг меҳнаткашлари! Дўстлик ва бирликни мустаҳкамлаш учун, социалистик давлатлар ўртасидаги қардошлик муносабатларини янада ривожлантириш учун курашингиз! Социализм душманларининг кирдикорларига нисбатан хушёр бўлингиз!

Пролетар интернационализми байроғини баланд кўтарайлик!

44. Капиталистик мамлакатлардаги монополистик капиталга қарши меҳнаткашларнинг сиёсий ва социал-иқтисодий ҳуқуқлари учун, социалистик идеалларнинг тантанаси учун фидокорона кураш олиб бораётган ишчилар синфига қардошлик саломи!

45. Халқларнинг империализмга қарши, миллий мустақиллик, озодлик, демократия ва социализм учун курашидаги муваффақият гарови бўлган социализм ва миллий озодлик ҳаракати кучларининг иттифоқи яшасин ва мустаҳкамлансин!

46. Империализмга қарши, мустақилликни мустаҳкамлаш учун, социал ривожланишнинг прогрессив йўли учун курашаётган ёш миллий давлатларнинг халқларига қизғин салом!

47. Империализм ва ирқчиликка қарши, ўз озодлиги ва миллий мустақиллиги учун курашаётган мустамлака ва қарам мамлакатларнинг халқларига қизғин салом!

48. Капиталистик ва мустамлака қуллигига қарши, халқларнинг озодлиги учун, социализм учун курашиб, турмаларда ва фашист зиндонларида азоб чекиб ётган довюракларга қардошлик саломи!

49. Америка империализмининг агрессиясига қарши, ўз ватанининг озодлиги ва мустақиллиги учун қаҳрамонона кураш олиб бораётган мард вьетнам халқига қардошлик саломи!

50. Жаҳон халқлари! Эрксевар вьетнам халқига қарши олиб борилаётган агрессив урушнинг дарҳол тўхтатилишини АҚШдан қатъий талаб қилингиз!

Америка империалистлари Вьетнамдан чиқиб кетсин!

51. Европа мамлакатларининг халқлари! Жаҳон халқлари! Германия Федератив Республикасидаги реваншизмга ва янги фашизмга қарши, Умумевропа хавфсизлиги ва тинчлигига хатар солаётган Ғарбий Германия милитаристларининг атом қуролини қўлга киритишларига қарши курашингиз!

52. Европа мамлакатларининг халқлари! Европа хавфсизлигини мустаҳкамлаш учун, Европа халқлари ўртасида ҳамкорлик ва яхши қўшничилик муносабатларини ривожлантириш учун активроқ курашингиз!

53. Империализм ҳомийларига қарши, Исроил агрессорларининг қўшинларини оккупация қилиб турган араб территорияларидан чиқартириб юбориш учун курашаётган араб мамлакатлари халқлари билан совет халқининг бирдамлиги мустаҳкамлансин ва ривожланаверсин!

54. Яшасин Совет Иттифоқининг ленинча ташқи сиёсати — тинчлик ва халқлар дўстлиги сиёсати, реакция ва урушга қарши курашда барча антиимпериалистик тинчликсевар кучларни жипслаштириш сиёсати!

55. Яшасин мамлакатимиз халқлари дўстлиги ва бахтиёрлигининг мустаҳкам қалъаси, тинчлик ва тараққиётнинг ишончли таянчи бўлган Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи!

56. Марксизм-ленинизм байроғи остида, Коммунистик партия раҳбарлигида — мамлакатимизда коммунизм тантанаси учун курашда янгидан-янги ғалабалар сари олға!

57. Яшасин инсониятнинг порлоқ келажаги — коммунизм!

***Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети.***

## ТОШКЕНТ ПАРРАНДАЧИЛИК ФАБРИКАСИДА

**ТОШКЕНТ** паррандачилик фабрикасининг меҳнатсевар коллективи эл дастурхонига кўплаб тухум етказиб бериш учун астойдил курашмоқда. Суратларда (ўнгдан): жўжа боқиш цехининг бошлиғи С. Бўронов (чапда) ва бош зоотехник Т. Имомхўжаев ўртоқлар янги очирилган жўжаларни кўздан кечирмоқдалар: (Чапда) фабрика цехларидан бирининг умумий кўриниши.

А. АБАЛЯН фотолари.

(Бу ҳақдаги материални газетамизнинг 2-бетида ўқийсиз).





### ЧИГИТ ЭКИШНИНГ БОРИШИ ҲАҚИДА 18 АПРЕЛГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Биринчи стун — районлар; иккинчи стун — чигит экиш плани (гектар ҳисобида); учинчи стун — жами чигит экилган майдон (гектар ҳисобида); тўртинчи стун — планнинг бажарилиш проценти)

| | | | |
|---|---|---|---|
| Оржоникидзе | 2400 | 150 | 6,2 |
| Оққўрғон | 29440 | 1711 | 5,8 |
| Янгийўл | 24316 | 1360 | 5,6 |
| Бекобод | 20464 | 517 | 2,5 |
| Ўрта Чирчиқ | 24470 | 255 | 1,1 |
| Бўка | 35500 | 118 | 0,3 |
| Юқори Чирчиқ | 6510 | — | — |
| Область бўйича: | 142100 | 4111 | 2,9 |

